



«ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРҒИ МАСАЛАЛАРИ»

*мавзудаги Республика XIV илмий-назарий
конференциясининг материаллари*

14

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XIV илмий-амалий
конференция материаллари**



Тошкент – 2022

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XIV илмий-амалий конференция материаллари. 14-илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2022.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ф-сон фармойиши, Ўзбекистон ОўМТ Вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 97-сон буйруғи, ТДШУ ректорининг 2022 йил 17 мартдаги 79-УМ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 21 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган **“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”** мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 14-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М. Исҳоқов

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ. Исмоилова

Тар.ф.н., доц. Р.Р. Алимова

Таҳрир гуруҳи:

Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,

Худойназаров И.Б., Бекмурадов С.Т.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил
30 апрель куни бўлиб ўтган 9-сонли навбатдан ташқари
Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

С.Беккер,¹ Ж.Уилер² каби мутахассилар ҳам бор. Уларнинг ранг-баранг альбомлари ва кизиқарли китоблари дунёдаги кўпгина мамлакатлар ўқувчиларида Хоразм воҳаси тарихи ҳақидаги дастлабки тасаввурларни шакллантиришга ёрдам берди.

Мавзу тарихшунослиги таҳлили мазкур муаммо охиригача ўрганилмагани кўрсатади³. Шунинг учун XIX-XX аср бошларида Хива хонлигининг иш юритиш тизими ва архив иши тарихини ўрганиш давом этмоқда.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАРИХНАВИСЛИК

Гулирухсор Темирова – БухДУ, ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро амирлигида илмий-маданий ҳаёт, ижтимоий-гуманитар фанларнинг, тарих фанининг ривожини, тарихнавислик мактаби ва унинг намоёндаларининг илмий-иҷодий фаолиятлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган

В данной статье научно проанализированы вопросы научно-культурной жизни Бухарского эмирата, развития социально-гуманитарных наук, развития истории, школы историографии и её представители.

This article provides a scientific analysis of scientific and cultural life in the Emirate of Bukhara, the development of social sciences and humanities, history, the school of historiography and the scientific and creative activities of its representatives

Маълумки, Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилиб келган Манғитлар сулоласи ва унинг ҳукмдорлари тарихига оид маҳаллий тарихчилар томонидан кўплаб тарихий асарлар яратилган. Уларнинг аксарияти, ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий тадқиқот институтининг нодир қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Жумладан, Муҳаммад Вафо Карминагий (1685-1769)нинг “Тухфат ул-хоний” (“Хоннинг туҳфаси”), Муҳаммад Яъқуб ибн Амир Дониёл Бухорий (1771-1831)нинг “Гулшан ул-мулук” (“Подшоҳлар гулшани”), Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифнинг “Тарихи амир Ҳайдар” (“Амир Ҳайдар тарихи”), Миролим Бухорийнинг “Фатҳномаи султоний” (“Султон фатҳномаси”), Аҳмад Махдуми Дониш (1827-1897)нинг “Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғитийа” (“Рисола ёки манғитлар салтанати хонадонининг қисқача тарихи”), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1908)нинг “Тарихи салотини манғитийа” (“Манғитлар салтанати тарихи”), Садриддин Айний (1878-1954)нинг “Таърихи амрони манғитийаи Бухоро” (“Бухоро манғит амирлари тарихи”), Пўлат Солиев (1882-1938)нинг “Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси”, Абдурауф Фитрат 1886-1938)нинг “Давраи ҳукмронии Амир Олимхон” (“Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври”) ва бошқалар.

Шунингдек, Бухоро амирлиги саройида катта мансабларда ишлаган, Аҳмад Дониш, Мирзо Абдулазим Сомий, Мирзо Саҳбо Вобқандий (Шохин каби ўз даврининг маърифатпарвар олимлари билан ҳаммаслақ бўлган, Бухоро ва Туркистон тарихи, адабиётига оид кўпгина асарлар ёзган илм-маърифат ихлосманди Шарифжон махдум Садр Зиё (1865-1932) ижодининг марказида ҳам манғитлар сулоласи тарихи, асосий ўринни эгаллайди. Унинг “Наводири Зиёия” ва Силсилаи салотини манғития” (“Манғитлар салтанати силсиласи”) асарларида бевосита, манғитлар даври тарихий воқеаларига бағишланган.

Ўрта Осиёнинг маърифатчилари А. Дониш, Фурқат, Муқимий, Шохин, Асирий, Ҳамза ва бошқалар маърифат ва демократик йўналишдаги ғояларни, Муҳаммад Олим, Абдумажид

¹ Becker S. Russias protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924.-Cambridge MA:Harvard Univarcity , 1968.

² Wheeler G.E. The modern history of Soviet Central Asia.-London-New York,1964.

³ Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853Vol. 10, Issue 12, December 2021 SJIF 2021 = 7.699 A peer reviewed journal. <https://tarj.in> QOZIKHONA AND RELIGIOUS RULE IN KHIVA KHANATE IN THE BEGINNING OF XIX-XX CENTURIES. S. Khusanov

Шавкий, Ҳожи Собир Самарқандий турли табақаларнинг синфий тинч-тотувлигини ҳимоя қилдилар. Масалан, Самарқанд муфтийси Абдулмажид Шавкий ўз асарларида Бухоро амирлари, Оқ подшо ва маҳаллий ҳукумат амалдорларини адолатли, халқнинг ҳимоячиси деб мактайди. Самарқандлик шоир Ҳожи Собир Самарқандий диний-мистик руҳдаги қарашларни тарғиб этиб, худога ишониш, дунёвий роҳатлардан воз кечиш, дин талаби ва шарият қонунларига қатъий риоя этишга чақиради.

Аҳмад Дониш қарашлари радикал ва ўта кескин сифатларни намоён этади. Чунки Аҳмад Дониш амир, унинг сулоласи халқ манфаати учун ҳаракат қилишга қодир эмаслигини тушуниб йетарди. Унинг ғоявий фаолиятининг кейинги этапидаги муҳим ҳужжат бу “Рисолайи мухтасар аз тарихи салтанати хонадони манғития” асаридир. Бу асарда Дониш амир Музаффаргача (1860-1885) бўлган амирлик тарихини қисқача баён этади. Асарда танқидий руҳ устунлик қилса-да, баъзи ҳолларда Аҳмад Донишнинг бу танқидий руҳдан биров чекиниб, амирлар тарихини баён этишда расмий историографияга яқинлашганини кузатамиз.

Аҳмад Дониш амир Дониёл (1758-1785) ҳақида: “Амир Дониёл бошқаруви даврида... зодагон тўралар ўртасида ичкиликбозлик, қимор ва бузуқлик авж олди”, дея таъкидлайди. Шунингдек, турли солиқлар ошиб кетган. Мисол учун, никоҳдан ажратиш учун қозига 10 дирҳам берилган. Бозорда тарози учун эса 15 танга йиғилган. Аҳмад Дониш ёзади: “Амирлик муҳим мансабларига амир Дониёлнинг ўғиллари турарди. Улар бузуқликни авж олдирдилар. Бухорода бошқарув ишлари бузуқ, қонхўр, золим – Давлат кушбеги қўл остида қолди. Қозикалон вазифасини маишатпараст Қози Низомиддинга топширилди...”.

Дониёлбий Абулфайзхоннинг жияни Абулғозини тахтга ўтқазиб қўйган. Лекин у бошқарув ишларида ҳеч қандай рол ўйнамас эди. Дониёлбий ўзининг бутун эътиборини армияга қаратган. Бунинг натижасида мамлакат оғир аҳволда қолди. Кўплаб йерлар ишланмай қолиб кетди. Мамлакатнинг маданий даражаси анча қуйига тушиб кетди. Аҳмад Дониш ўша давр сарой тарихчиларидан фарқли равишда амир Дониёлни кўкларга кўтариб мактамаган. Мисол учун Сомий шундай ёзади: “Амир Дониёл доно ва инсонпарвар шахс бўлган, у мамлакатни маърифатпарварлик билан бошқарар эди”.

Аҳмад Дониш амир Шоҳмуроднинг фақатгина мамлакатни бошқариш услубини таърифлаган. Алломанинг ёзишича, амир Шоҳмурод (1785-1800) ҳукмронлигидаги биринчи ишни Бухоро кушбегиси Давлат кушбеги ва қози Низомиддинни қатл этишдан бошлаган. Аҳмад Дониш амир Шоҳмурод даврини ҳам ортиқча мадҳ этмаган. Аксинча, у амирнинг ҳарбий юришлари оғирлиги оддий халқ бўйнига юк бўлиб тушганлигини танқид остига олади. Сарой тарихчиси Сомий эса бу юришларни қуйидагича баён этади: “Амири Масъум Шоҳмурод... Аллоҳ таолонинг инояти билан қизилбошларга қарши бир қанча жангларда зафар қозонди”.

Тарихчи Садр Зиё амир Шоҳмуроднинг мадраса, масжид, хонақоҳларни таъмирлагани, вақфлар ҳуқуқини тиклагани, диний адолат ўрнатганлигини эътироф этади. Лекин Садриддин Айний Аҳмад Дониш каби Шоҳмурод ҳукмронлиги даврига салбий баҳо беради. Айний бу даврда мамлакат таназулга юз тутганлиги ва зулм остида қолганлигини таъкидлаш билан бирга амир Шоҳмуродни мустабид ва “халқ золими” дея таърифлаган. Бу ҳақида рус муаллифлари мулоҳазаларига эътибор қаратайлик: “Шоҳмурод туркманлар билан иттифокда шиа эрони қўл остида бўлган Хуросонга юриш қилди. Афғонлар билан ҳам урушди ва Марв шаҳрини вайрон этган”. Амир Шоҳмурод ташқи сиёсатда Афғонистон ва Эронга қарши кураш олиб борган. Шимолда эса у Қўқон хонлиги билан икки ўртадаги Зомин, Ховос, Ўратепа ва Хўжандга юриш қилган.

Бухоро амири Ҳайдар (1800-1826) Аҳмад Дониш таърифича “маърифатпарвар ҳукмдор” эди. Лекин аслини олганда амир Ҳайдар унинг идеалига мутлақо мос эмас эди. У Дониш баён қилганидек “поқдомон ва бегуноҳ” бўлмаган. Унинг даврида ҳам урушлар ва кўзғолонлар авж олди. Унинг даврида ҳам эркин фикрлаган баъзи зиёлилар катағонга учраган. Мисол учун амир Бухоро руҳонийларининг хатти-ҳаракатларини танқид қилишга ботинган Абу Наср Курсовийни қатл этган эди.

Амир Насрулло (1826-1860) нинг Қўқон хонлигига юриши узоқ давом этди. Охири учинчи юришда 1842-йилда Қўқон эгалланди. Лекин Насрулло халқ қаршилигига учраб, Қўқонни бой берди ва қайта эгаллай олмади. Насрулло Марвга ўз одамларини юбориб, марвликларга Хива хонига қарши курашларида уларга ёрдам беришини маълум қилади. 1842-йили Марв туркманларининг исёни вақтида амир Насруллонинг туркманларга ёллаган мактуби тасодифан Хива хони қўлига тушиб қолади. Шу йили Насруллонинг Қўқонга юриши вақтида Хива хони Бухорога уруш очиб, Чоржўйга юриш қилади. Насрулло Бухорога қайтган ҳамда Хива чегараларига козоқлар ҳужум қилиб, хиваликларнинг қайтиб кетиши натижасида Чоржўй бой берилмади.

Келгуси йили амир Насрулло Ҳазораспни қамал қилди. Хива хони қаршилигини синдириш учун Марвда туркманлар унга қўмаклашдилар. Кейинчалик хиваликлар икки марта Бухорога қарши муваффақиятли юриш қилиб, фақатгина 1855-йилда Марвни қайтариб олдилар. Амир Насрулло давлатни марказлаштириш учун итоақиз феодалларга қарши кураш олиб борди. У 20 йил Шаҳрисабз кенагасларига қарши уруш олиб борди. Садр Зиё бу ҳақида унинг 27 юришда 1856-йилда Шаҳрисабзни эгаллаганлигини таъкидлайди. Бу даврда Англия Россия билан стратегик рақобатда ўз махфий жосусларини сайёҳ қиёфасида Ўрта Осиёга жўнатган. Улар келажакда Шарққа бўладиган юришлар учун ўлка хусусиятлари билан танишишлари мўлжалланган.

Бухорога шундай дипломатик миссия вакили сифатида жосус полковник Стоддарт юборилди. Лекин у йерли халқ одатларини менсимаганлиги туфайли ҳибсга олинади. Бироз вақтдан сўнг Бухорога йетиб келган капитан Конолли дипломатик миссияси ҳам зиндонга ташланади. Амир Насрулло даври Бухоро хонлигини чор Россияси босқинига шароит яратиш жараёнининг юқори тарихий даражаси бўлди. Амир Насрулло бошқаруви даврига оид ушбу жараёнлар Аҳмад Дониш томонидан батафсил баён этилган. Лекин аллома бу даврни тавсифлашда бирмунча ижобий ёндашган: “Унинг бошқаруви даврида... мамлакатда бирмунча осойишталик ўрнатилди. Тўкин-сочинлик ва фаровонлик ортди”.

Аҳмад Дониш амир Насруллонинг руслар билан ташқи сиёсатдаги муомаласини қўллаб-қувватлаган. Лекин ҳар иккаласининг бу борадаги қарашлари турлича важдандир. Насрулло “рус бургути”нинг “инглиз шери”га қарши ҳаракатларини қувватлашга интилган бўлса, Аҳмад Дониш рус самодержавийесини ёқтирмаган. Шуни унутмаслик керакки, 1838-1840-йиллардаги инглиз-афғондан сўнг анча ҳайиқиб қолган амир Насрулло инглизларнинг унинг давлатини забт этишидан ҳайиқарди.

Бундай вазиятда унга Россия мадади зарур эди. Ўрта Осиёга бу даврда бирин-кетин Муркфорт, Бёрнс, Вуд, Стоддарт ва Коноллилар жўнатилди. У Англиянинг сиёсий-стратегик таҳдидидан ҳимояланиш учун Россия мададига суянмоқчи эди. Бундан ташқари Бухоро учун Англиядан кўра Россия билан савдо қилиш фойдали бўлган. Лекин 1842-йилда тўрт йилдан бери зиндонда ётган полковник Стоддарт ва капитан Конолли қатл этилиши натижасида Бухоронинг халқаро майдонда обрўйи тушиб кетди. Бу Россия билан муносабатларда ҳам кўзга ташланиб борди. Шунга қарамай Аҳмад Дониш амирнинг ички деспотик сиёсатини яширишга уринган.

Насруллох давлати ички аҳволига ўша давр турли манбалар гувоҳлик беради. Жумладан, 1835-йилда Бухорода бўлган Виткович шундай таъкидлайди: “Ҳозирги хон барча ҳокимиятни кушбегига топшириб қўйган. Ғилай, таъмагир кушбеги Ҳакимбий бутун бухороликлар ва хоннинг ўзидан ҳам бадавлатроқдир. У барча ишларни хонга маълум қилмай ўз билганича ҳал қилади. Унинг хоҳишига қаршилик кўрсатишга хоннинг ҳам қудрати етмайди”. Аҳмад Дониш эса амир деспотик тузумини давлатни марказлаштириш учун кураш сифатида баҳолайди.

Аҳмад Донишнинг асосий диққат-еътибори амир Музаффар бошқаруви даврига (1860-1885) қаратилган. Унинг барча мулоҳазалари ҳам жуда холисона бўлмаса-да, унинг мамлакатнинг бошига тушган барча кулфатларнинг сабабчиси амирлик тузуми эканлиги ҳақидаги фикрларини рад этиб бўлмайди. Аҳмад Донишнинг амир Музаффар ва унинг бошқаруви даври ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида бош ғоя айнан шудир. “Унинг даврида Бухоро тушкунликка юз тутди... ҳеч бир даврда давлат ишларининг бу каби бетартиблиги ва

интизомсизлиги кузатилган эмас”. Асар бошдан охиригача амир Музаффар ва унинг амалдорларига нисбатан адоват, нафрат билан суғорилган. Аҳмад Донишнинг айтишича, Музаффар ҳукмдор бўлгач, отасининг қатор маслаҳатчиларини қатл эттирган, давлатнинг муҳим амалдорларини лавозимидан озод қилиб, уларни ўрнига ўзининг одамларини тайинлаган. Оддий халқ ва армиянинг муҳим лавозимларга қобилияциз одамлар тайинланганлиги туфайли норозилик оша борди.

Дониш амирни золим, қонхўр ва талончи дея таърифлайди. 1882 йилда Бухорода бўлган В. В. Крестовский ҳам уни “инжиқ” деб атаган эди. Садр Зиё амирнинг мулла Бадриддин ва Муҳаммад Шоҳ қушбеги сингари бефарқ ва лаёқатсиз кишиларни давлатнинг муҳим амалларига тайинлаганлиги таъкидлайди. Бу шахслар фақат ўз нафсини ўйлайдиган кишилар бўлиб, улар амир хазинасини аямай талон-тарож қилдилар. Амирнинг ўзи давлат ишларига эътибор бермас, масхарабозлар ва раққосалар орасида кун ўтказиб, шахмат ўйнашга муккасидан кетган эди. Садр Зиё шундай қайд этади: “Бухорода лаганбардорлик ва пора бермасдан давлат мансабига ўтириб бўлмас эди”.

Амалдорлар ва тўралар хазинани таладилар, хирож ва бошқа солиқларни ўзлаштирдилар. Оддий халқнинг ёзган ариза ва арз-додларига ҳеч ким диққат қаратмас эди. Амир маданият, фан ва техникани ривожлантириш ўрнига диний фанатизм ва ақидапарастликка ружуъ қўйган. Ўша давр рус муаллаифлари, шунингдек, Вамбери ва Айний кабилар бу даврда Бухоро кўчаларининг аянчли ва антисанитария ҳолатида эканлигини таъкидлаганлар. Чор Россияси Зарафшон водийсини забт этгач, Бухоро вилояти оғир сув муаммосига дуч келди. Аҳмад Дониш янги каналлар барпо этиш баробарида амир ҳокимиятидан подшо ҳокимияти билан Зарафшон сувини Бухоро ва Самарқанд ўртасида тақсимлашни шартлашишни сўрайди. Бирок бу даъватга ҳам эътибор берилмайди.

Аҳмад Дониш ўша даврда Бухоро жамиятида тўлиғича қобилияциз ва баднафс амалдорлар ҳукм суришини таъкидлаган. Миршаб, қози, муфтий, амир ва унинг амалдорларининг барчаси ношуд эканлигини ғзаб билан қайд этади. Аҳмад Дониш амирнинг ўта бефарқлигини ва бузуқлигини таъкидлар экан, халқнинг амирга ёзган арз-додлари бир неча йилгача беэтибор қолдирилгани ҳолда, ҳарамга канизақлар тақдим этилишига доир арзларга дарҳол жавоб қайтарилишини айтади. Амир амалдорларига халқдан солиқ солиб маош берар эди. Хазинани эса ўзи ва айрим шахслар хоҳишича сарф этган. Аҳмад Дониш буни қатъиян рад этиб, амир, унинг тўраларининг хазина ва халқни талашига қарши чикди. Дониш давлат бюджетини ташкил этишни таклиф этган эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Садр Зиё. Наводири Зиёия. – Душанбе: Адиб, 1991.
2. Саҳобиддин Сиддиқий. Силсилаи салотини манғития. / Садр Зиё ва тазкираҳои ў. – Душанбе: 2010. – Саҳ. 60-74.3.
3. Аҳмад Махдум Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. – Душанбе: Сарват, 1991. - Б.31.
4. Садр Зиё. Наводири Зиёия. – Душанбе: Адиб, 1991 - Б. 31.
5. Садр Зиё. Наводири Зиёия. – Душанбе: Адиб, 1991 - Б. 31-32.
6. Temirov F, Xolova U. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022
7. Temirov F. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal

ИЗУЧЕНИЕ РОЛИ ТЕОЛОГОВ-БУХАРЦЕВ В ФОРМИРОВАНИИ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ, НА ОСНОВЕ НАУЧНЫХ РАБОТ

Мубинов Мухаммадали Акобирович
Бухарский Государственный Университет
Преподаватель кафедры Истории Бухары

Annotation: *The current article is drawn up in order to investigate activities and explorations about the role of central Asian theologians in the process of implantation of Islam. Having analyzed this work, one can make independent conclusions about both: scientific and widely shared literature.*

Key words: *theology, fikh, ordo, “the gold circle”, tarikat, shariat, al-Bukhari, Naqshbandia, the seven saints.*

Аннотация: *Данная статья составлена для изучения мероприятий и исследовательских работ, проведенных в целях ознакомления с ролью бухарских ученых-теологов в процессе внедрения исламской религии их жизнедеятельности. Анализ данной работы, дает возможность делать самостоятельные выводы, как о научных работах, так и работ, предназначенных для широкой аудитории.*

Ключевые понятия: *теология, фикх, орден, золотое кольцо, тарикат, шариат, Аль-Бухари, Накшбандия, семь пиров (наставников).*

Территория Бухары с незапамятных времен считается местом, подарившей миру великих мыслителей Востока, мудрецов, и, несомненно, теологов. В разные временные формации здесь проживали выдающиеся хадисоведы, суфисты, члены духовно-религиозных орденов, о которых впоследствии заговорил целый мир. Именно благодаря им Бухара по сей день славится как город, который озаряет мир своей святостью.

Деятельность среднеазиатских теологов всегда вызывала необычайный интерес у европейцев. По этой простой причине они проделали большой труд по их изучению. Результаты этого труда еще один раз доказывает какое важное значение имели наши улемы в формировании и повсеместном распространении исламской религии.

Текст достаточно современной книги, названной «Биография Имама Бухари» (“The biography of Imam Bukhari”) сравнительно новый, но, несмотря на это он содержит уйму полезной информации о рождении и ранней жизни, учителях, характере, об уровне знания фикха и суждениях о фикхе Имама аль-Бухари. Такой же масштабной является работа, изданная в Малайзии. В данной работе «Ас-Саххих аль-Бухори» рассматривается, скорее, как исторический источник, сообщающий о ранних стадиях распространения ислама. В книге собраны лучшие главы «Аль-Жоме» и интерпретированы Мухаммадом Асадом.

Не менее значим труд А. Франка. В своей работе он рассказывает о вероятности построения сыном Абдулхалика Гиждувани мавзолея в Туркестане, который мог быть построен также и учеником Ахмада Яссави Хусейнбеком.

А. Мария Элизабет Лоу приводит в пример хадис о пророке Мухаммаде, увидевшем свет, исходящий в небо с Земли. Этот озаряющий свет был направлен из священной Бухары.

Очень интересна по своему содержанию и следующая книга, название которой можно перевести как «Классический Ислам и традиции суфийского учения Накшбандия», написанная верховным исламским консулом Америки – шейхом Мухаммадом Каббани. Книга содержит изложенные по порядку сведения членов «Золотого кольца»: их историю, происхождение, деятельность, идеи и прочее.

Впрочем, этим не подразумевается, что научные деяния не велись лишь в Европе. Мы имеем достаточно материалов, казахских, киргизских, а также украинских, русских, и, несомненно, узбекских. Среди них можно выделить статьи Кобзевой О. («История исламской культуры и ее изучение в современном Узбекистане». Россия и Мусульманский мир.2017), Магомедовой З.А. («История проникновения Накшбандийского тариката в Дагестан». Известия ВУЗов. Северо-Кавказский регион. Общественные науки.2009), Анохина А.Н. («О

<i>Toshniyozov A., Makkashov A.</i> Turkiy xalqlar tarixiga oid Xitoy manbalarning o‘rganilishi	80
<i>Bazarova O.</i> Mahmud ibn Sulaymon Kafaviyning “Katoib” asarining qo‘lyozma nusxalari va nashrlari tahlili	83
<i>Абдуганиева Ш.</i> «История» ат-Табари как первоисточник по истории Ислама в Центральной Азии».....	86
<i>Ustunov H.</i> Beruniy yozma merosida tarixga oid tadqiqotlar	90
<i>Бақоев У.</i> Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарида Аштархонийлар ташқи алоқаларининг ёритилиши.....	93

ТАСАВВУФ ТАРИХИ, МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФАСИ ВА ГЕРМЕНЕВТИКАСИ

<i>Холмўминов Ж.</i> Тасаввуф илмий-адабий меросини ўрганишнинг аҳамияти	99
<i>Амонов М.</i> Шайх Худойдод Валий – ошиқлар сардори	104
<i>Бобожонова Ф.</i> Хожа Исмаи Бухорий - тасаввуфий шеърят вакили.....	106
<i>Кандахаров А.</i> Мавлоно Ориф Деггароний ва Деггарон мажмуаси тарихий хусусида	111
<i>Қороев Ш.</i> Саййид Қосим Анвор адабий кечалари (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий қарашлари асосида).....	114
<i>Усманова Х.</i> Шайх Хованд Таҳур илмий меросининг бугунги кун ёшлари тарбиясидаги аҳамияти.....	117

ТАРИХШУНОСЛИК, ТАРИХ ТАДҚИҚОТИ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

<i>Дониёров А.</i> Қуйи Зарафшон водийси моддий маданияти тарихшунослигига оид.....	121
<i>Саидов Ш.</i> Хива – Россия иқтисодий алоқалари тарихидан (XIX охири -XX аср бошлари).....	127
<i>Одилов Б.</i> XIX аср иккинчи ярми XX аср тадқиқотларида анъанавий суғориш масаласининг ақс этиши	129
<i>Аскарлов М.</i> Британские исследовательские центры по исследованию Центральной Азии	135
<i>Дониёров А., Турдихо‘jayeva М.</i> Mustaqillik yillarida Farg‘ona vodiysi arxeologik tadqiqotlar tarixshunosligi (Axsikent, Mingtepa arxeologik yodgorliklari misolida)	138
<i>Жумаева Н.</i> Вухоро воҳаси деҳқончилик маданияти тарихидан (XIX аср охири-XX аср бошлари).....	143
<i>Хусанов С.</i> XIX-XX аср бошларида Хива хонлигининг иш юритиш тизими ва архив иши муаммосининг тарихшунослиги	148
<i>Темирова Г.</i> XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида тарихнавислик	152
<i>Мубинов М.</i> Изучение роли теологов-бухарцев в формировании Исламской культуры на территории Средней Азии, на основе научных работ.....	156
<i>Бувоков Н.</i> Хорижда туркология масалаларига оид.....	159